Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 30 МАЙ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (13.172)

Баҳоси эркин нархда

САМАРҚАНДДА КЎРИШГУНЧА, ХАЙР!

Фарғона шаҳридаги "Истиқлол" стадионида 28 май куни "Универсиада – 2016" республика спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди





Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида аҳоли, айниқса, ёшларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши, эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқаришига кенг имкониятлар яратиш мақсади мужассам. "Универсиада – 2016" спорт ўйинлари давомида бу мақсадларнинг ижобати яна бир карра намоён бўлди.

Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келди. "Универсиада – 2016" спорт ўйинлари иштирокчилари тимсолида бугун катта ҳаётга қадам қўяётган, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган ёшларимиз гавдаланади. Мусобақада халқаро спорт ареналарида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, юқори натижаларга эришаётган тажрибали спортчилар билан бирга янги истеъдод соҳиблари кашф этилди.

Ҳаяжонли дақиқалар – "Универсиада – 2016" спорт ўйинлари ғолибларини тақдирлаш маросими бошланди.

Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Универсиада – 2016" спорт ўйинлари иштирокчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси – "Дамас" автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Фарғона ва Самарқанд вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси – "Дамас" автомобиллари топширилди.

Муросасиз курашларда алоҳида маҳорат кўрсатган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ талаба-спортчилар махсус совринларга сазовор бўлди.

– Ғалаба сурурини ҳис қилиб, интилишларимиз натижасини кўриб турганимдан ғоят бахтиёрман, – дейди "Универсиада – 2016" спорт ўйинлари ғолиби, пойтахтлик Зокир Мансуров. – Бу нуфузли спорт анжумани давлатимиз раҳбари томонидан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб камолга етишимиз, иқтидор ва салоҳиятимизни юзага чиқаришимиз учун кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Мақсадим халқаро спорт ареналарида ҳам юқори ўринларни эгаллаб, Ватанимиз обрўси янада юксалишига ҳисса қўшишдир.

Универсиада мусобақалари 15 спорт тури – баскетбол, бокс, волейбол, гандбол, дзюдо, енгил ва оғир атлетика, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, футбол, шахмат, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ташкил этилди.

Еттинчи бор ўтказилган Универсиада том маънода спорт, ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди.

– Барча мусобақалар унутилмас таассуротларга бой бўлди, – дейди Фарғона давлат университети талабаси Нозима Қамчибекова. – Вилоятимиз жамоасининг ғалабасига ҳисса қўшганимдан хурсандман. Президентимизнинг "Универсиада – 2016" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригидаги ҳар қайси йигит-қиз ўз устида тинимсиз ишлаши, иродасини чиниқтириши, бу йўлдаги қийинчиликлар олдида бўш келмай, ғалабага эришиш учун ўзини аямасдан, ҳал қилувчи дақиқаларда бутун борлиғини сафарбар этишга тайёр бўлиши даркор, деган сўзлари бизни янада улкан марралар сари руҳлантирди.

– Мусобақа доирасида қўплаб маданий-маърифий тадбирлар, таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, турли шоу-концертлар ташкил этилди, – дейди Универсиада иштирокчиси, андижонлик Рустам Тешабоев. – Бу бизнинг маданий ҳордиқ чиқаришимиз ва қўплаб дўстлар орттиришимизда муҳим аҳамият касб этди.

...Стадион узра мусиқа садолари янгради. "Универсиада – 2016" спорт ўйинларининг байроғи туширилди. Уни фарғоналик ёшлар навбатдаги Универсиадага мезбонлик қиладиган Самарқанд вилояти спортчиларига топширди.

"Универсиада – 2016" спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ЁШЛАРИ

"Универсиада – 2016" мусобақалари нафақат унинг иштирокчилари, балки бутун халқимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолади. ЎзА мухбирлари мусобақа иштирокчилари, спорт мухлислари билан суҳбатлашди.

Сарвиноз САИДХЎЖАЕВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, теннис бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар совриндори:

– "Универсиада – 2016" спорт мусобақалари биз, ёшлар қалбини нечоғли тўлқинлантирганини сўз билан ифодалаб бериш қийин. Президентимизнинг мусобақа иштирокчиларига йўллаган табригида ёшларга қарата "азиз фарзандларим" дея меҳр билан айтилган сўзларидан ҳар биримиз жуда қаттиқ таъсирландик. Юракдан айтилган сўз юракларга бориб етади. Табрикдаги "олижаноб фазилатлар бугун спорт майдонларида, эртага ҳаёт майдонларида ҳар бирингизга ҳамиша ёр бўлсин!" деган сўзларни эшитганимда қувончдан кўзларим ёшланди. Бундай меҳр ва ишончдан шундай суюндимки, гўё парвоз қилишга қанот пайдо бўлди.

"Универсиада – 2016" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросимида менга машъала ёқишдек бахт насиб этганидан бошим кўкка етди. Минглаб томошабинлар қаршисида ҳаяжонланган бўлсам-да, кўнглимдан юксак фахр туйғулари ўтди. Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги бизга янада масъулият юкламоқда. Келажакда халқаро мусобақаларда ўзимни кўрсатиб, бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Замира САНАҚУЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи:

– Мамлакатимизда жорий қилинган уч босқичли узлуксиз спорт тизими миллионлаб ёшларнинг қалбида спортга меҳр ва қизиқишни уйғотмоқда, иродасини мустаҳкамлаб, ўзига ишончини ошираётир. Мен ҳам бадиий гимнастикачи сифатида спортдаги илк қадамларимни 2009 йили Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларидан бошлаганман. 2011 йили Термизда бўлган "Баркамол авлод" мусобақаларида олтин медални қўлга киритишим катта спортга дадил қадам қўйишимда туртки бўлди.

Бу йилги Универсиада мусобақалари ҳам ёшлар учун ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этишида муҳим аҳамиятга эга. Бу мусобақада қатнашган спортчилар келажакда улкан натижаларни қўлга киритишига ишонамиз.

Ойшахон ШОДМОНОВА, меҳнат фахрийси (Фарғона):

– Тинч ва осойишта юртга байрамлар яраша-ди. Шаҳримизда ўтаётган ёшлик, баркамоллик, спорт байрами – Универсиада мусобақаларини катта ҳаяжон билан кузатдик. Шижоатли, ақди қатъий бўлган ёшларимиз юз-кўзларидаги бахтиёрликни кўриб, қувондик. Ахир фарзандини ўзидан ҳам ортиқ кўрадиган ўзбек халқига бугун бутун дунё ҳавас қилмоқда. Фарзандларимиз учун ана шундай кенг имкониятлар яратиб, оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.





ИШОНЧ ҒАЛАБАГА ЧОРЛАЙДИ

Хабарингиз бор, 26-28 май кунлари Фарғонада бўлиб ўтган "Универсиада – 2016" спорт ўйинларида Тошкент шаҳри умумжамоа ҳисобида 237 очко тўплаб, биринчи ўринни қўлга киритди. Шу муносабат билан Тошкент аэропортида ғолибларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, маҳалла фаоллари, "Камолот" ЁИҲ аъзолари, ўқувчи ва талаба-ёшлар, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари кутиб олишди.

Тунги Тошкент янада чирой очиб, дилларга сурур бахш этади. Барчанинг юз-кўзида қувонч, ҳаяжон...

Вақтдан фойдаланиб, спортчиларни кутиб олишга келганларни суҳбатга чорлаймиз.

— Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган ота ва акаларимизни кутиб олишга чиқдик, — дейди Сергели саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Умида Каримова. — Қалбимда қувонч ва ғурур барқ урмоқда. Келгусида улар халқаро майдонларда ҳам Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришади, деган умиддаман.

— Юртимизда спорт соҳасига берилаётган эътиборни бир кўринг-а, қараб кўз қувнайди, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби уч босқичли тизим яна қайси юртда бор? — дея ўз фикрини билдиради Тошкент Архитектура ва қурилиш институти жисмоний тарбия кафедраси доценти Абдулҳамид Мирзаев. — Эртага бу ёшлардан Осиё ва жаҳон чемпионатларида қатнашадиган спортчилар етишиб чиқишига умид боғлаш мумкин. Фарғонада бўлиб ўтган "Универсиада" ўйинларини телеэкран орқали зўр ҳаяжон билан кузатиб бордим.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қартилмоқда. Ўтган даврда бу борада улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган имкониятларга бутун дунё ҳавас қилмоқда.

...Аэропорт кутиш залидан биринкетин бўйнига шода-шода медалларни таққан спортчилар чиқиб кела бошлашди. Ғолиблар шарафига байроғимиз ҳилпирайди, ўқувчилар қўлларида гуллар билан уларни қарши олишади.

Карнай-сурнай садолари янгради. Спортчиларни қутлаш мақсадида сўзга чиққанлар Фарғона спорт майдонларида пойтахтимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларни эришилган ғалаба билан самимий қутлашди.

Ғолибларга сўз берилди.

— Ростини айтганда жуда ҳам ҳаяжондаман, — деб сўз бошлади шахмат бўйича кумуш медаль соҳибаси Моҳинур Қаҳрамонова. — "Универсиада" мусобақаси Фарғона шаҳрида юқори савияда ташкиллаштирилди. Шахсан ўзим шахмат бўйича қизлар ўртасида 2-ўринни олдим. Президентимизнинг спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табриги ёшларга ишонч ва кўтаринки руҳ бағишлади.

— Универсиада ўйинларида бокс бўйича олтин медаль соҳиби бўлдим, барча рақибларимни енгдим, бунинг замирида пухта тайёргарлик кўрганимиз ғалабага эришишда омил бўлди, бундай мусобақалар катта тажриба мактабини ўтаб бераяпти, — дейди Исроил Мадримов.

Мусобақа иштирокчиларининг ушбу бетакрор спорт ўйинларидан оламолам таассуротлар билан қайтишганлигини юз-кўзларидан, дадил қадам босишларидан, кайфиятларидан билиш мумкин эди.

Спортчиларни кутиб олишга чиққан ота-оналар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари уларнинг бундан кейинги мусобақаларда ҳам доим ғолиб бўлишларига тилак билдиришди.

З.ШАРИФЖОНОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Жиззахда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Соғлом она ва бола йилига бағишлаб "Ўзбекистон – умумий уйимиз" дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.**

● **Самарқандда банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари ҳудудий "BankExpo – 2016" миллий кўргазмаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, мазкур фаолият билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.**

● **Навоийда "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида "Китоб байрами" ўтказилди. Тадбир доирасида "Энг яхши китобхон", "Китобхон оила" сингари интеллектуал ўйинлар ва викториналар ташкил этилди. "Китоб – миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий бойлиги" мавзусидаги семинар ва мулоқотларда инсон камолотида китоб ва китобхонлик, мутолаа маданияти хусусида фикр алмашилди.**

● **Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги "Лочин" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Камалак" болалар ташкилоти сардорларининг XV республика анжумани бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари томонидан вилоятдаги Меҳрибонлик ва Саховат уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига эсдалик совғалари топширилди. Барча лойиҳа ва танловлар ғолиблари, шунингдек, фаол иштирокчилар муносиб тақдирланди. Ёш ижрочилар ва таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги гала-концерт тадбирга янада завқ бағишлади.**

ЖАҲОНДА

● **Швейцарияда жаҳондаги энг узун ва чуқур темир йўл туннели қуриб битказилди. Ушбу туннелнинг узунлиги 57,1 километрни ташкил этиб, қурилиш ишлари 17 йил давомида олиб борилди. Янги туннелда синов қатновлари биринчи июнда амалга оширилса-да, бирок, йўловчилар жорий йилнинг ноябрь ойига қадар ундан фойдалана олмайдилар.**

● **Франция парламенти томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари ваколатларини ва шубҳали шахсларни кузатиш ҳамда таъқиб қилишни кенгайтирувчи янги қонун тасдиқланди. Янги қонунчилик талабларига кўра, тергов органлари, жумладан, хусусий уйларда тунги вақтда ҳам тинтув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Бундан аввал, фақат кундуз куни тинтув олиб боришга рухсат этиларди. Эндиликда, электрон таъқиб қилиш учун техник ускуналар харид қилиниб, гумондор шахслар ва сайтларни кузатиш ишлари кучайтирилади.**

● **Археологлар Мисрдаги қадимий Гелиопол шаҳрида амалга оширилаётган қазилма чоғида эрамиздан аввалги 380-363 йилларда ҳукмронлик қилган фиръавн Нектанеба Биринчининг мақбарасини топишга муваффақ бўлдилар. Ушбу мақбара жигарранг кумдан бунёд этилган бўлиб, унга қора базальт орқали пардоз берилган экан.**

МАҲАЛЛА — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Маҳалла — таълим-тарбия маскани. Оилалардаги соғлом маънавий муҳит, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат фазилатларига йўғрилган қўшничилик муносабатлари тинчлик-осойишталик, бирдамликни янада мустаҳкамлаш баробарида фарзанд тарбиясида ота-она масъулияти ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг бу жараёнда хизматлари катта.



Шу маънода, алоҳида таъкидлаш жоиз, халқимизгагина хос бўлган ноёб институт — маҳалланинг аҳоли ўртасида қадр-қиммат, меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор ва ҳамжиҳатликни кучайтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, ҳудуднинг турли муаммоларини ҳал этишдаги ўрни ва роли ортиб бормоқда.

Фуқаролар йиғини ва унинг маслаҳатчилари сайлови эса, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлардан биридир.

Шу ўринда эътироф этиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштиришга оид белгиланган устувор вазифалар маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан соҳага оид ҳуқуқий асослар ва қонуний кафолатлар янада мустаҳкамлаб қўйилди. Фуқаролар йиғинларининг вазифалари кўлами кенгайтирилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда шаҳримиздаги ўн битта туман маҳаллаларида бўлиб ўтаётган сайлов жараёнларида иштирок этиб фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови қонунчиликда белгиланган талаблар асосида ўтаётгани, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Хусусан Учтепа туманидаги "Нуробод" маҳалласида ҳам сайловларга қизғин ҳозирлик кўрилди. Қайд этиб ўтиш зарурки, сайловни самарали ташкил этиш ва ўтказиш кўп жиҳатдан ишчи гуруҳлари фаолиятига боғлиқ. Чунки, айнан ишчи гуруҳ сайловни ташкил этиш ва ўтказишда аҳолига энг яқин ташкилий тузилма сифатида фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларнинг ўтказилишини таъминлайди.

— Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ фаол иш олиб борди, — дейди "Нуробод" маҳалласи ишчи гуруҳи раиси, 194-умумтаълим мактаби директори Нилуфар Раҳимбобоева. — Тегишли кўмаклашувчи комиссия белгилаган вакиллик нормасидан келиб чиқиб, ҳудуддаги ҳовлилар, уйлардан фуқароларнинг вакиллари сайловини ташкил этдик. Бу жараёнда ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олдик.

Шундан сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 3.600 нафар фуқаро иштирокида вакиллар сайлови бўйича йиғилишлар ўтказилди. Йиғин раиси лавозимига номзодлар ҳақидаги ахборот сайловдан беш кун олдин белгиланган жойларга осиб қўйилди.

"Нуробод" маҳалласида бўлиб ўтган сайлов очиқлик ва ошкоралик принципи асосида ташкил этилиб, энг муносиб номзодлар фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилигига сайланди. Мазкур маҳаллада эл орасида обрў-эътиборли, ташаббускор кишилардан уч нафари фуқаролар йиғини раиси лавозимига кўрсатилган эди. Ҳар бир номзод ўз дастурини сайловчиларга маълум қилгандан сўнг, номзодлар орасидан Олим Азизовнинг дастури маҳалладошларга маъқул бўлди. Ва у яширин овоз бериш йўли билан маҳалла раислигига сайланди. Маслаҳатчилар ва фаоллар лавозимларига кўрсатилган 26 нафар номзоднинг 12 нафари маслаҳатчи лавозимига сайланди.

— Шу кунгача сайлов иштирокчиларининг билим ва малакасини оширишга қаратилган ҳудудий ўқув-семинарларида мунтазам иштирок этдим, — дейди маҳалла фаоли Маҳмуда Ибрагимова. — Ушбу тадбирларда соҳага оид қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва сайловнинг маҳалла нуфузини оширишдаги ўрни ва аҳамияти атрофлича таҳлил этилди. Буларнинг барчаси билан таниш бўлганим учун сайловда ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бердим. Ишонаманки, халқ ишониб сайлаган янги раисимиз маҳалламиз ривожи йўлида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Бандлик дастури – амалда

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Синфда ўқувчилар юртимиз ҳудудида жойлашган конлар, улардаги мавжуд минерал ресурслар, уларнинг кимёвий ҳамда физик хусусиятлари, қазиб олиш усуллари ҳақида сўзлаб бермоқда. Коллеж битирувчиларининг имтиҳон саволларига ишончли жавоб бераётгани мамлакатимиз тоғ-кон ва нефть-газ соҳаси учун малакали мутахассислар етишиб келаётганидан далолатдир.

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча соҳалари, жумладан, тоғ-кон ва нефть-газ саноати учун мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилган. Олмазор политехника касб-ҳунар коллежи нефть ва газ қудуқларини бурғулаш техниклари тайёрлайдиган етакчи ўрта махсус таълим муассасаларидан биридир.

Коллеж директори Чори Примовнинг сўзларига кўра, бу ерда 1154 ўқувчи 8 йўналиш бўйича таҳсил олмоқда.

Таълим муассасасининг моддий-техник базаси мустаҳкамлиги малакали кадрлар тайёрлаш имконини бераётир. Икки ўқув корпусида ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, тренажёр зали, 100 мингдан зиёд нусхадаги дарслик ва бошқа адабиётларни ўз ичига олган ахборот-ресурс маркази жойлашган. Замонавий компьютер залида ўқувчилар зарур дастурий маҳсулотлар билан танишиши ва ўзлаштириши мумкин.

Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва кейинчалик иш билан таъминланиши, "корхона – коллеж" ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, уларни аниқ иш жойига бириктириш муҳим вазифалардан биридир. Айни пайтда коллежни жорий йилда тамомлайдиган 397 ўқувчининг аксарияти билан тўрт томонлама шартномалар имзоланган.

– "Хончироқ" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаганимдан сўнг шу ерда ишга қолишни таклиф этишди, – дейди битирувчи Санжар Ғозиев. – Танлаган касбим ўзимга ёқади. Коллежни тугатгач, олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш, нефть ва газ қазиб олиш ҳамда транспортировка қилиш бўйича муҳандис бўлишни мақсад қилганман.

Бундай самарали ишлар мамлакатимизнинг барча коллежларида амалга оширилмоқда. Бу эса узлуксиз таълим тизимида муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, ўрта махсус таълим муассасалари ёшларни касбга йўналтириш, уларнинг малакасини оширишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказмоқда. Зеро, юқори малакали мутахассислар мамлакатимиз тараққиёти, иқтисодиётимизнинг янада юксалиши, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

ИННОВАЦИЯЛАР ТАЛАБАЛАР МУҲОКАМАСИДА

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида ахборот тизимлари ва дастурлар ишлаб чиқиш, ёшларнинг АКТ соҳасидаги инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш, етакчи компаниялар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланган семинар ташкил этилди.

Анжуманда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Университет ректори Ш.Шерматов, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Uzmobile филиали директори Ш.Қодиров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда илмий изланишлар ва инновация фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани янги ғоя ва лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олди. Натижада мазкур соҳа бўйича юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида компьютер ва дастурий инжиниринг йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ерда барча дарслар инглиз тилида ўтилади. Мутахассислик бўйича асосий фанларни ўқитишга Жанубий Кореядан профессорлар жалб этилган.

Семинарда университет қошида ташкил этилган Инновациялар ва саноат кооперациялари маркази фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур марказ талабаларнинг илмий-тадқиқот ва инновацион салоҳиятини ошириш, уларни дастурий маҳсулотлар яратишга жалб қилиш, илғор ғояларни амалиётга татбиқ этишга кўмаклашади.

– 2008 йилдан буён АҚШда Google I/O конференцияси ўтказиб келинади, – дейди университет талабаси Нуриддин Иминохунов. – Мазкур конференцияда компаниянинг энг сўнгги инновацион маҳсулотлари, технологик янгиликлар намойиш қилиниб, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг малоқоти ташкил этилади. Анжуманда биз жорий йилги Google I/O конференциясида тақдим этилган маърузалар, Ўзбекистон бозоридаги энг сўнгги дастурий иловалар ва янгиликлар билан танишиш имкониятига эга бўлдик.

А.ҚИЁСОВА, ЎзА мухбири

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарларнинг олдини олиш долзарб аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳар биримиз, айниқса ёшлар огоҳ бўлишимиз зарур.

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН АДАШМАЙДИ

Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицейда Ички ишлар вазирлиги академияси ва Яшнобод туман ИИБ томонидан ташкил этилган тарғибот тадбирида бу алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган турли зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият"нинг таҳдид ва хатарларидан асраш зарурлигига эътибор қаратилди. Чунки ҳозирги мураккаб замонда миллий қадриятларимизга ёт ғоялар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.

Тадбирда "Коррупцияга қарши кураш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гаровидир", "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳияти" каби маърузалар тингланди.

Коррупция инсон ҳуқуқини бузишга, иқтисодиётни издан чиқаришга, башарият хавфсизлигига дахл қилувчи жиноятларга йўл очади. Шунинг учун мазкур жиноятга қарши курашиш долзарб аҳамиятга моликдир. Бу борада 2008 йил 7 июлда "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги қонун қабул қилинган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳияти тўғрисида сўз борар экан, мазкур қонунда жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгалиги, бу ҳуқуқ ихтиёрий амалга оширилиши белгиланган. Электрон шаклда мурожаат қилиш тартиби ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Тадбирда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар борасида ўтказилган давра суҳбатидан сўнг жиноятга яраша жазо муқаррарлиги ҳақида "Панжара ортидан репортаж ёхуд зулмат аро" фильми намойиш этилди.

М.РЎЗИЕВА, ТДПУ қошидаги академик лицей ўқувчиси

ЯНГИ ҒОЯЛАРГА АМАЛИЙ КЎМАК

Яшнобод қурилиш касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ёшларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Партиянинг "Талабаларнинг кичик инновацион корхонаси" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда таълим тизимини такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб этиш, таълим, фан ва амалиёт ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилаётган доимий эътибор жамият тараққиётини юксалтиришнинг муҳим омили экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда дастуруламал бўлаётир.

Мамлакатимиз илм-фан соҳасининг ривожи инновацион ғоя ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабаб таълим муассасалари, олий ўқув юртларининг инновацион фаолиятини кучайтириш, кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, улар базасида тажрибасинов ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқани мустаҳкамлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Партия томонидан ўтказиб келинаётган тадбирлар ёшларнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш кўникмасини ошириш орқали рақобатбардош, малакали кадрларни тайёрлашга кўмаклашмоқда.

Тадбирда ёшларга инновацион ғоялар яратишида амалий кўмак бериш ва лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш масалалари хусусида фикрлашилди.

(ЎзА)

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШЛАР САРИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркор ва хорижий инвесторлар фаолиятининг эркинлигини таъминлашга қаратилган зарур шарт-шароитлар тўлиқ яратилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдек эзгу мақсадлар мужассам.

Суғурта соҳаси эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоялашда энг мақбул усуллардан бири ҳисобланади. "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти томонидан Республика суғурта бозорида илк маротаба тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, гаров таъминотига эҳтиёжи бўлган ёш тадбиркорларнинг суғурта ҳимоясини таъминлаш мақсадида янги "Ёш тадбиркорларнинг кредит қайтарилмаслиги бўйича жавобгарлигини суғурта қилиш" деб номланган суғурта тури жорий этилди.

Мазкур суғурта тури "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг тавсияномасига кўра, "Камолот"дан кафолат" лойиҳаси асосида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган "Ёш тадбиркор"ларнинг банклардан оладиган кредитларини ушбу суғурта шартномаси асосида гаровсиз олишларини кафолатлайди.

— Мамлакатимиздаги таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз, — дейди "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг стратегик ривожлантириш, маркетинг ва сифатни бошқариш департаменти бош мутахассиси Шерзод Исломов. – Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш ва ёшларнинг янгидан-янги таклиф ва режаларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришда "Камолот" ЁИҲ ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Менинг бизнесғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаларининг ҳам аҳамияти беқиёс. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, янги суғурта тури бўйича суғурта жавобгарлиги шартнома тузилган санада юртимизда амалда бўлган энг кам иш ҳақининг юз бараваридан ошмаган миқдорда имтиёзли суғурта тарифи асосида олиб борилади. Суғурта шартномаси бўйича фойда олувчи томон банк муассасалари ҳисобланади. "Менинг бизнесғоям" танловининг мамлакат босқичида ғолиб бўлган 16 нафар йигит-қиз мазкур суғурта полисларини олиш имконини берувчи диплом билан тақдирланди.

"Ўзагросуғурта" АЖ бу каби янги суғурта турларини жорий қилиш орқали ёшлар томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйишларида ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда янги суғурта турларининг татбиқ этилиши аҳолининг суғуртага бўлган қизиқиши ва суғурта маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зиёда РАСУЛОВА

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ЮҚОРИ СИФАТЛИ АЛЛЕРГИК ТАШХИСЛАШ

Баҳор ва куз мавсумида айрим инсонларни аксириш, бурундан сув оқиши, аллергия безовта қилади. Уларга малакали ёрдам кўрсатиш учун эса энг аввало, тўғри ташхис қўйиш талаб этилади. Буни фақатгина ўз вақтида ўтказилган лаборатор текширувлар орқали амалга ошириш мумкин.



К.Ўлмасов олган сурат

Маълумки, юртимизда замонавий ташхислаш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатадиган 10 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази фаолият юритиб келмоқда. Аниқ ва тезкор таҳлил, энг аввало касалликни ўз вақтида аниқлаб, асоратларсиз даволаш имконини яратади. Яқинда, бу борада аллерготашхислаш усули йўналишида ўз тажрибаларини аҳолига ва соҳа вакилларига етказиш мақсадида россиялик мутахассис Ксения Климцева юртимизга ташриф буюрди. У "Ғунчамед" тиббиёт ташхислаш марказида бўлиб, бу соҳадаги ютуқлари билан ўртоқлашди.

— Ўзбекистонга илк бор келишим, — дейди Ксения Климцева. — Тиббиёт соҳасида юртингизда олиб борилаётган ишлар билан танишиб, катта таассурот олдим. Ташрифимдан мақсад аллерголог шифокорларни янги аллерготашхислаш препаратлари билан таништириш. Аллергик хасталикларни ташхислаш борасида юқори сифатли аллергоспецифик ИФА тўплам бор. У юртингизда рўйхатдан ўтган. "Ғунчамед" ташхислаш марказида лаборантлар, шифокорлар аллергияни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича ана шу тўпламдан фойдаланишади.

— Исталган ёш ва ҳар бир мавсумда қўлланилиши мумкин, ножўя таъсирлари бўлмаган бу аллерготашхислаш усули юртимиз аҳолисига қайси томонлама мос келиши мумкин?

— Ўзбекистонда ҳозиргача бу даражада чуқур, аниқ аллергик ташхислаш усули қўлланилмаган, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги клиник лаборатор ташхислаш кафедраси раҳбари Абдумалик Арипов. – Қайси препарат, маҳсулот, ўт-ўланлар, гулчанглар, замбуруғлар, паразитлар, ҳашаротлар ва уларнинг заҳарлари, хуллас, аллергенлар синчиклаб аниқланмаган. Бу усул эса аввало ташхис қўйишга ёрдам беради. Шу томонлама бу усул, янги ва қулай ҳамда самарали. Петербурглик мутахассислар ташхис борасидаги ўз янгиликларини биз билан ўртоқлашишлари, бу соҳадаги касалликларни даволашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Айтиш жоизки, ушбу усул дунё талабларига жавоб беради, ҳаттоки, бошқа дунё давлатлари билан солиштирганда бу янги усулнинг афзаллиги маълум бўлди.

—Ўзимизда қўлланилган аввалги аллерготашхислаш усулининг ҳозиргисидан фарқи кескин сезилди, — дейди "Ғунчамед" тиббий ташхислаш маркази директори Раъно Ҳожимуҳамедова. — Буни оддий мисолларда тушунтиришим мумкин. Масалан, аллерготашхислашнинг эски усулини ҳомиладорларга, ёш болаларга, касалликнинг хуруж даврида қўллашнинг иложи йўқ эди. Бунда эса тамомила акси, ҳаммаси исталган вақт ва мавсумда қўллаш мумкин. Бу эса катта ютуқ. Ўзбекистонда бу усулнинг жорий этилиши юқори самара беради. Бу усулнинг қулайлиги вилоятдагилар узоқ йўл босиб пойтахтгача келиб ўтиришлари шарт эмас, интернет орқали ҳам ўша инсоннинг почтасига ташхисни юбориш имкони бор. Қон олиш учун вакуумли пробирка ишлатилади. Унинг афзаллиги, биринчидан 48 соат мобайнида ҳар қандай ҳароратда қон бир хил сақланади, иккинчидан қон тезроқ олинади, ҳам мижоз, ҳам ходим учун хавфсиздир.

Касаллик мавжуд экан, уларга тезкор ва аниқ ташхис қўювчи жиҳозлар ҳамда текширув усуллари кашф этилиши, бу инсон саломатлиги йўлида муҳим аҳамият касб этиши сир эмас. Тан олиш лозим, замон ривожлангани сари тиббиёт ҳам одимлаб бормоқда. Соҳада эришилаётган ютуқлар эса, аввало, аҳоли манфаатига хизмат қилади.

Қ.ЗОКИРОВ

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Пойтахтимизда Марказий Осиё пульмонологлари уюшмасининг еттинчи конгресси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Марказий Осиё пульмонологлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Марказий Осиё давлатлари, Хитой, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Германия, Италия ва бошқа мамлакатлардан етакчи олимлар, мутахассислар, давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоёров, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи О.Гўзалов, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Н.Парпиева ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида тиббий-профилактика хизматини ривожлантириш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлашга қаратилаётган доимий эътибор аҳоли саломатлигини муҳофазалаш ва жамият тараққиётини юксалтиришнинг муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган бундай ислоҳотлар янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда аҳолига фтизиатрия ва пульмонология соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари йилдан-йилга такомиллашмоқда. Бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида бу йўналишда профилактика ва диагностика ишларини самарали ташкил этишнинг замонавий услублари жорий этилган. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг жойлардаги тузилмалари ва ушбу соҳага ихтисослашган клиникалар тубдан реконструкция этилиб, реанимация, диагностика ва даволаш амалиётида қўлланилаётган янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Тадбирда хорижлик мутахассислар мамлакатимиз тиббиётида ушбу йўналишда эришилаётган натижаларга юқори баҳо берди.

– Силга қарши курашиш нафақат тиббий, балки муҳим ижтимоий муаммо ҳамдир, – дейди профессор Ли Рейхман (АҚШ). – Бу глобал муаммога қарши курашиш бутун жамиятнинг эътибори ва ҳамкорликдаги ҳаракатини талаб этади. Ўзбекистонда бу масалага давлат даражасида қаратилаётган эътибор юксак самарадир бераётганига гувоҳ бўлдик. Юртингизда мазкур соҳага ихтисослашган тиббиёт муассасаларида яратилган шароитлар замон талабига тўлиқ жавоб беради. Тиббий скрининг ва диагностика ишларини юқори савияда ташкил этиш бўйича замонавий инфратузилма яратилган ва бу жараён узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Ўзбек олимларининг фтизиатрия ва пульмонология хизматини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишлари ҳам ўз маҳсулини бераётир. Бунинг натижасида бир қатор оғир касалликларни оператив усулда даволашнинг такомиллашган методлари яратилган. Ушбу конгресс тиббиётнинг ана шундай муҳим натижаларини кенг оммалаштириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

